

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.I.60.03 РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ

НАМАНҒАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ХОЖИМАТОВ РАВШАНБЕК РАСУЛЖОНОВИЧ

ПИЛЛАНИ ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИНИ БОШҚАРИШ
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.13 – Менежмент

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Хожиматов Равшанбек Расулжонович

Пиллани қайта ишлаш корхоналарини бошқариш механизмини
такомиллаштириш.....3

Ходжиматов Равшанбек Расулжонович

Совершенствование механизма управления коконоперерабатывающими
предприятиями.....25

Khojimatov Ravshanbek Rasuljonovich

Improving the management mechanism of the cocoon processing
enterprises.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....51

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.I.60.03 РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ

НАМАНҒАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ХОЖИМАТОВ РАВШАНБЕК РАСУЛЖОНОВИЧ

ПИЛЛАНИ ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИНИ БОШҚАРИШ
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.13 – Менежмент

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Iqt1069 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Наманган муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.adu.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталига (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Исраилов Рустамбек Ибрагимович
иктисодиёт фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Исманов Ибраҳим Набиевич
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Алиев Яшнаржон Эгамбердиевич
иктисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Андижон қишлоқ хўжалиги
ва агротехнологиялар институти

Диссертация ҳимояси Андижон давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.I.60.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170100, Андижон шаҳар, Университет кўчаси 129-уй, Telefon/faks: 0 (374) 223 88 30, email: agsu_info@edu.uz)

Диссертация билан Андижон давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170100, Андижон шаҳар, Университет кўчаси 129-уй, Telefon/faks: 0 (374) 223 88 30, email: agsu_info@edu.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ даги ____-рақамли реестр баённомаси).

Н.И.Асқаров

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

У.И.Мараимова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

Қ.Муфтайдинов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда пилла маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда хомашё тайёрлаш ва уни қайта ишлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, пиллачилик билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятини кенгайтириш ҳамда тайёр маҳсулотни экспорт қилишга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Халқаро пиллачилик кўмитасини маълумотларига кўра, «дунё бўйича пиллани қайта ишлаш саноатида 80 минг тоннадан ортиқ хом ипак ишлаб чиқарилади. Жумладан, жаҳон бозоридаги хом ипак маҳсулотларининг 82,2 фоизи Хитой, 15,7 фоизи Ҳиндистон, 0,65 фоизи Ўзбекистон, 0,36 фоизи Тайланд, 0,33 фоизи Бразилия, 0,27 фоизи Вьетнам, 0,19 фоизи Шимолий Корея, 0,17 фоизи Эрон, 0,09 фоизи Филлипин, 0,02 фоиз Бангладеш, 0,02 фоиз Япония давлатларига тўғри келади»¹. Шу нуқтаи назардан, бугунги кунда хорижий давлатларда пилла маҳсулоларига бўлган талаб даражасини ортиши, пиллани қайта ишлаш саноат корхоналарида бошқарув механизмини такомиллаштиришга долзарб муаммолардан бири сифатида қаралмоқда.

Бугунги кунда жаҳонда инновацион иқтисодиётнинг тобора чуқурлашиб бораётган шароитида пиллани қайта ишловчи корхоналарни хомашё билан таъминлаш, уни чуқур қайта ишлаш жараёнларида инновацион технологияларни кенг жорий этиш асосида пилла маҳсулотларининг турли assortментини ҳамда маҳсулотни сотиш бозорларини кенгайтиришда бошқариш механизмини такомиллаштириш борасида изланишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, илмий изланишлар таркибида пиллани қайта ишлаш корхоналарини бошқарув фаолиятини ривожлантириш борасида илмий методологик ёндашувлар, бошқарув механизмига таъсир этувчи ташқи ва ички муҳит омилларини эътиборга олган ҳолда ривожлантириш, бошқарув жараёнларида замонавий менежмент усуллари қўллаш, корхона рақобатбардошлигини ошириш бўйича илмий тадқиқот ишларига катта эътибор қаратилмоқда.

Янги Ўзбекистон иқтисодиётини саноатда пиллачилик корхоналарини ривожлантириш мақсадида замонавий ва инновацион технологияларни жорий этиш, пилла маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилиш ҳажмларини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 июлдаги «Пиллачилик тармоғида чуқур қайта ишлашни ривожлантириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4411-сон Қарорида «...пиллачилик соҳасини ривожлантириш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг турларини кенгайтириш, шунингдек, пиллачилик тармоғи корхоналарининг экспорт ва инвестиция фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш»² вазифаси белгиланган. Бу борада пиллани қайта ишлаш корхоналари бошқарувини самарали ташкил этиш, уларни бошқариш механизмини такомиллаштириш

¹<http://inserco.org/en/statistics> (ISC)

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 июлдаги «Пиллачилик тармоғида чуқур қайта ишлашни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-4411-сон Қарори. www.lex.uz

йўналишларида илмий изланишлар кўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 мартда «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-2856 сон, 2018 йил 20 августда «Республикада пиллачилик тармоғидаги мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-3910-сон, 2018 йил 4 декабрда «Республикада пиллачилик тармоғини жадал ривожлантиришни кўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-4047-сон, 2019 йил 31 июлда «Пиллачилик тармоғида чуқур қайта ишлашни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-4411-сон Қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.»Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Пиллани қайта ишлаш соҳасида бошқарув фаолиятининг турли жиҳатлари ўз вақтида M.Ning, M.McAleer, Sh.Gao, M.Yungen, R.K.Datta, M.Nanavaty, R.R.Okhandiar, T.R.Garung, A.Singh, A.N.Hussain³ каби хорижий олимлар томонидан тадқиқ этилган.

МДХ мамлакатлари олимларидан А.Б.Ишматов, М.В.Изатов, С.Салимжонов, В.С.Бурлаков, Т.Ф.Таирова⁴ларни илмий изланишларида пиллани қайта ишлаш корхоналарида хомашёни қайта ишлаш масалалари ёритиб берилган.

Ўзбекистонда С.Артиқова, М.Муҳамедов, Р.Исраилов, С.Саидмуродов, Э.Мустафаев, Д.Муҳаммадиева, Ш.Ўроқов, Б.Ҳамдамов, Б.Шарипов⁵ каби

³Ning M, McAleer M. Silk Road 4.0: Initiative Transformation for Chinese Silk Enterprise Advances in Economics, Business and Management Research, volume 26.2017. -p.5; Gao Sh.On Sustainable Development of Sericulture Industry. An Empirical Study on Pengan County of Sichuan Province. China.2011.-p.5;Yungen M. Diversified and efficient utilization path of Sericultural Resources. Zhejiang University, Hangzhou, China. 2019.-p.26; Datta R.K, Nanavaty M. Global silk industry – a complete source book.. 2007. New Delhi. –p.347; Gurung T.R.Sericulture Scenario in SAACR regions. India.2015.-p.219; R.R. Okhandiar. «Sericulture» the Redeemer of Indian Poor. BACSA International Conference «Serivival - 2019». –p.40; Singh A. Cluster in India. Foundation for MSME Clusters (FMC).2010.-p.36; Hussain N.A. Sericulture Industry in India: An Overview. CASIRJ. Volume 8 Issue 9, 2017.-p.8.

⁴Ишматов А.Б.Шёлк. монография, ООО «Андеша», Худжанд, 2010, С.312; Изатов М.В. Совершенствование технологии первичной обработки коконов с целью сохранения природных свойств шелка-сырца в условиях Таджикистана. Автореферат дисс.я на соис.кан.наук. Душанбе.2019. –С.186; Салимджанов С. История шелководства и шелкомотального производства Северного Таджикистана./ Салимджанов С. // ООО «Дакики». - Душанбе. -2014, -С.242., Бурлаков В.С. Повышение эффективности шелководства на базе новых технологий с использованием разработанных средств.Автореферат. дисс.на соис. д.наук. Волгоград 2005.-С.57., Таирова Т.Ф. Коллекция Среднеазиатский шелка// Raretes est problematique 2016

⁵Артыкова С. Повышение эффективности функционирования подкомплекса «Шелк» АПК Узбекистана в условиях рынка. – Т.: «Изд-во Навруз», 1992. –С.208; Мухаммедов М.М. Организация и планирование кокономотального и шелкокрутильного производства. – М.: «Легкая индустрия», 1990. – С.312; Исроилов Р. Повышение материальной заинтересованности работников шелководства. 08.00.05 - Экономика и

олимлар изланишларида пиллачилик, хусусан пиллани қайта ишлаш соҳасини ривожлантириш ва унинг самарадорлигини оширишдаги умумий масалаларни ўрганиш устида тадқиқотлар олиб борилган.

Аммо, пиллани қайта ишлаш корхоналарини бошқариш механизмини такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар атрофлича ўрганилмаган. Мазкур муаммоларнинг долзарблиги ва етарли даражада ўрганилмаганлиги мазкур тадқиқот заруратини белгилаб берди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Наманган муҳандислик-технология институтини илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № И-5-18 «Маҳаллий хомашёларни қайта ишлаш асосида юқори қўшилган қийматли маҳсулотларни ишлаб чиқариш механизмини яратиш» мавзусидаги (2020-2021) амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади пиллани қайта ишлаш корхоналарини бошқариш механизмини такомиллаштириш бўйича назарий-амалий йўналишдаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

пиллани қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш ва бошқариш механизмининг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш;

пиллани қайта ишлаш корхоналарини бошқарув фаолиятини ривожлантиришда хориж тажрибаларни тадқиқ этиш;

пиллани қайта ишлаш корхоналарининг фаолияти ва самарадорлиги даражасини таҳлил қилиш;

пиллани қайта ишлаш корхоналарида бошқарув самарадорлигини баҳолаш ҳамда уни маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ муаммоларини аниқлаш;

пиллани қайта ишлаш корхоналарини бошқариш механизмини такомиллаштириш;

пиллани қайта ишлаш корхоналарини самарали бошқаришда кластер усулидан фойдаланиш имкониятлари;

пиллани қайта ишлаш корхоналарининг фаолиятини ривожлантириш истиқболлари юзасидан илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Наманган вилоятидаги пиллани қайта ишлаш корхоналарининг бошқарув фаолияти танланган.

управление народным хозяйством.. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс –Тошкент 1991.-С.120; Саидмуродов С. Эффективность использования сырья шелковой промышленности в изделиях новой структуры: Авт.реф. дисс. на соискание докт. экон. наук. – Т., 1994.-С.42, Мустафаев Э. Проблемы реформирования системы управления шелкокомплексом Узбекистана в условиях перехода к рыночной экономике. Авт.реф. дисс. на соискание ученой степени докт. экон. наук. Украина.-С.43. Мухаммадиева Д. Прогнозирование развитие производства и переработки продукции шелководства. 06.13.10 - Управление в социальных и экономических системах. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс.–Тошкент 1995.-Б.170; Ўроков Ш.Бозор иқтисодиёти шароитида пиллачилик тармоғи ривожланиш истиқболларини белгилаш. 08.00.06- Эконометрика ва статистика. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс –Тошкент. 2005. – Б.144; Шарипов Б.Қ. Тадбиркорлик фаолиятида хўжалик юритиш шакллари диверсификациялаш имкониятларидан фойдаланиш. 08.00.15- Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Тошкент.-.2020.-Б.160.

Тадқиқотнинг предметини пиллани қайта ишлаш корхоналарини бошқариш механизмини такомиллаштириш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар тизими ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари.Тадқиқот вазифаларини ҳал этишда қиёсий таҳлил, статистик таҳлил, SWOT таҳлил, монографик кузатув, эксперт баҳолаш ва математик моделлаштириш ҳамда прогнозлаш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

пиллани қайта ишлаш корхоналарини бошқарув, бошқарув харажатлари, бошқарув ходимлари ва ташкилий бошқарув тузилмасинининг самарадорлик даражалари «самарасиз» (0-0,21), «паст» (0,22-0,50), «ўртача» (0,51-0,70), «барқарор» (0,71-0,89) «юқори» (0,90-1,5) кўрсаткичлари ёрдамида баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган;

пиллани қайта ишлаш корхоналарини ишлаб чиқариш, иқтисодий, маркетинг ва инновацион фаолият кўрсаткичлари (0-54)-»қониқарсиз", (55-70) - «қониқарли», (71-85) - «яхши» ва (0,86-1) - «аъло» шкалалари бўйича комплекс баҳолаш асосланган;

пиллани қайта ишлаш корхоналари бошқаруви тизимига «Худудий кластер менежменти» бўлимини киритиш асосланган;

Наманган вилояти пиллани қайта ишлаш корхоналари ички имкониятларини ишлаб чиқаришга жалб этиш асосида ипак маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 2026 йилгача бўлган прогноз параметрлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

пиллани қайта ишлаш корхоналарини бошқариш механизмини ривожлантиришда унинг фаолият юритиш тамойиллари ишлаб чиқилган;

пиллани қайта ишлаш корхоналарини бошқарув механизмини назарий асосларини тадқиқ этиш асосида унга таъсир этувчи ташқи ва ички омиллар шакллантирилган;

пиллани қайта ишлаш корхоналарини бошқарув фаолияти самарадорлик даражалари сифат ва миқдорий кўрсаткичлари асосида аниқланган;

пиллани қайта ишлаш корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича рентабеллик даражалари, корхоналарнинг кучсиз ва кучли томонларига таъсир этувчи омиллари SWOT таҳлили асосида аниқланган;

пиллани қайта ишлаш корхоналарида ипак маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмининг кўп омилли эконометрик моделлар орқали таъсирчан коэффицентлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ишда илғор хориж тажрибаларини ўрганиш, пиллачилик саноатида бошқариш механизмини такомиллаштириш бўйича хориж ҳамда маҳаллий олимлар, тадқиқотчиларни илмий-назарий ишланмаларини умумлаштириш, қиёсий таққослаш, пиллани қайта ишлаш корхоналарини ҳисоботлари, расмий Ўзбекистон Республикаси Давлат статистик қўмитаси ва «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси маълумотларига асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот

натижаларининг илмий аҳамияти мавжуд йўналишдаги услубий ёндашувларни такомиллаштириш, уларни келгусида пиллани қайта ишлаш корхоналарида бошқариш механизмини такомиллаштиришга бағишланган илмий-тадқиқотларда фойдаланиш мумкин. Ишлаб чиқилган илмий тавсиялардан эса пиллани қайта ишлаш корхоналарида бошқарув фаолиятини самарали ташкил этиш ва унинг самарадорлигини оширишда методик жиҳатдан фойдаланилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни пиллани қайта ишлаш корхоналарида бошқариш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини, мамлакатда фермерчилик йўналишини янада ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади. Шунингдек, амалий тавсиялардан олий таълим тизимида «Менежмент» ва «Корхона иқтисодиёти» фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Пиллани қайта ишлаш корхоналарини бошқариш механизмини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

пиллани қайта ишлаш корхоналарини бошқарув, бошқарув харажатлари, бошқарув ходимлари ва ташкилий бошқарув тузилмасинининг самарадорлик даражалари «самарасиз» (0-0,21), «паст» (0,22-0,50), «ўртача» (0,51-0,70), «барқарор» (0,71-0,89) «юқори» (0,90-1,5) кўрсаткичлари ёрдамида баҳолаш мезонлари бўйича таклифи «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналарнинг бошқарув фаолиятига жорий этилган. («Ўзбекипаксаноат» уюшмасининг 2021 йил 10 февралдаги 3-1/217-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларни жорий этилиши, корхоналарда бошқарув самарадорлиги «Verigrow ipagi» ХК - 0,29, «Fabrictex» МЧЖ - 0,74 , «Marjon tola fayz» МЧЖ – 1,38 баробарга ўсишига эришилган.

пиллани қайта ишлаш корхоналарини ишлаб чиқариш, иқтисодий, маркетинг ва инновацион фаолият кўрсаткичлари (0-54) - «қониқарсиз», (55-70) - «қониқарли», (71-85) - «яхши» ва (0,86-1) - «аъло» шкалалари бўйича комплекс баҳолаш бўйича таклифи «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси таркиби-даги корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятига жорий этилган. («Ўзбек-ипаксаноат» уюшмасининг 2021 йил 10 февралдаги 3-1/217-сон маълумот-номаси). Натижада, «Fabrictex» МЧЖ да маҳсулот сотиш ҳажми 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 7,6 фоизга, «Marjon tola fayz» МЧЖда маҳсулот сотиш ҳажми 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 8,1 фоизга ошиши таъминланган.

пиллани қайта ишлаш корхоналари бошқаруви тизимига «Худудий кластер менежменти» бўлимини киритиш бўйича таклифи «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналарнинг фаолиятига жорий этилган. («Ўзбекипаксаноат» уюшмасининг 2021 йил 10 февралдаги 3-1/217-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни амалиётга жорий этилиши натижасида «Marjon tola fayz» МЧЖ корхонасининг бозор улуши 6,3 фоизга ортган.

Наманган вилояти пиллани қайта ишлаш корхоналари самарадорлигига

таъсир этувчи омилларни баҳолаш асосида ипак маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 2026 йилгача бўлган прогноз параметрлари бўйича таклифи «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналарининг фаолиятига жорий этилган. («Ўзбекипаксаноат» уюшмасининг 2021 йил 10 февралдаги 3-1/217-сон маълумотномаси). Мазкур прогноз параметрларидан «Verigrow Ipagi» ХК, «Fabrictex» ва «Marjon tola fayz» МЧЖ фаолиятларини самарали бошқариш бўйича «Стратегик чора-тадбирлар режаси» ҳамда «Йўл хариталари»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, 7 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация иши мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та илмий мақола (7 таси маҳаллий ва 3 таси хорижий журналларда), халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида 16 та маъруза тезислари чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, унинг ҳажми 144 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишининг кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объекти ва предмети шакллантирилган, диссертация ишининг олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Пиллани қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш ва бошқариш механизмининг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида пиллани қайта ишлаш корхоналарини ташкил этишнинг назарий асослари, уларни бошқариш механизмининг ўзига хос жиҳатлари тадқиқ этилган, ипак маҳсулотлари қайта ишлаш жараёнлари бўйича хориж тажрибалари ўрганилган.

Бугунги кунда пиллачилик тармоғида олиб борилаётган чуқур ислохотлар замирида республикамызда пиллани қайта ишлаш корхоналарининг бошқарув фаолиятини самарали ташкил қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳудудларда инновациялар ва юксак технологияларга асосланган корхоналарни барпо этиш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, маҳсулот турли ассортиментларини кўпайтириш асосида уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш муҳим вазифалар ҳисобланмоқда.

Ҳозирда даврда мамлакатимизнинг турли вилоятларида 52 тадан ортиқ пиллани қайта ишлаш корхоналари фаолият кўрсатмоқдалар. Ушбу корхоналарнинг 11 таси хорижий сармоядорлар эвазига ташкил топган. Шу жумладан, 5 та Хитой, 2 та Вьетнам, 2 та Сингапур, 1 та АҚШ–Россия ҳамда 1 та Буюк Британия давлатларининг тўғридан тўғри жалб этилган инвестициялари иштирокида барпо этилган. Шунингдек, пиллачилик тармоғида қайта ишловчи корхоналарнинг 3,8 фоизи шўъба, 5,7 фоизи хусусий, 21,2 фоизи қўшма, 1,9 фоизи унитар ҳамда 67,3 фоизи МЧЖ шаклидаги корхоналар ҳиссасига тўғри келади⁶. Республикада замонавий пиллани қайта ишлашга ихтисослашган турли мулк шаклидаги корхоналарни ташкил этилиши мамлакатимизда мулкка эгалик қилиш ҳиссини ошириб, ҳудудларда тадбиркорлик субъектларини кўпайишига, ишлаб чиқаришнинг ички имкониятларидан унумли фойдаланишга зарур шарт-шароит яратади.

Илмий ишда муаллиф, «бошқариш механизми» тушунчасининг мазмун–моҳиятини, ушбу атамага нисбатан хорижий ва маҳаллий олимларнинг илмий қарашларини ўрганган ҳамда муалифлик таърифини ишлаб чиққан. Муаллиф, «бошқариш механизми – бу корхона бошқарув аппаратининг мақсадли ҳаракатлар мажмуи ҳисобланиб, белгиланган мақсадларга эришиш учун инсонларнинг биргаликдаги фаолиятларини мувофиқлаштириш»⁷ деб таъриф берган.


Муаллиф томонидан пиллани қайта ишлаш корхоналарининг бошқариш механизмига таъсир этувчи омиллар икки гуруҳга: ташқи ва ички омилларга бўлиб ўрганилган (1-расмга қаранг).

Корхоналарни бошқариш механизмига таъсир этувчи ташқи омилларга сиёсий-иқтисодий, илмий-техник, молия ва ахборотлар, ижтимоий ва маданий, истеъмолчи ва рақобатчилардан иборат бўлса, ички омиллар сифатида моддий-техник, норматив-ҳуқуқий, ахборот ва дастурий, техник-технологик, кадрлар, инновацион, молиявий таъминотлар ҳамда маркетинг хизмати сингари омиллар гуруҳи таъсири назарий жиҳатдан тавсифланган. Ушбу таъсир этувчи ташқи ва ички омиллар корхоналарнинг бошқарув тизими, иқтисодий, ишлаб чиқариш, маркетинг ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, корхонани турли иқтисодий шароитларга мослашуви ҳамда моддий, техник, ахборот ва молиявий ресурслар билан таъминлаш имкониятини беради.

Тадқиқот ишида муаллиф томонидан пиллани қайта ишлаш корхоналари бошқарув фаолиятини ривожлантириш механизми таклиф этилган. Ушбу механизмда корхонага ташқи ва ички омиллар таъсир этиб, бошқарувда асосий субъектлари сифатида мулкдорлар, таъсисчилар, ижрочи менежерлар ва ходимлар намоён бўладилар.

⁶ «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси маълумотлари асосида тайёрланган


⁷ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган таъриф.



1-расм. Пиллани қайта ишлаш корхоналари бошқариш механизмига таъсир этувчи омиллар⁸

Ушбу бошқарув субъеклари томонидан корхона бошқарув фаолиятини самарали ташкил этишда истиқболи режалар, чора-тадбирлар, стратегик дастурларни ишлаб чиқиш, бошқарувда замонавий усул ва воситаларни қўллаш, ишлаб чиқариш жараёнларида инновациялар ва илғор технологияларни жорий этиш тавсия этилади (2-расмга қаранг).

⁸ Муаллиф ишланмаси



2-расм. Пиллани қайта ишлаш корхонасини бошқарув фаолиятини ривожлантириш механизми⁹

Диссертациянинг «Пиллани қайта ишлаш корхоналари бошқарув фаолияти таҳлили» деб номланган иккинчи бобида республика ҳудудларида тайёрланган пилла хомашёсини ҳажми, пиллани қайта ишлаш корхоналарининг маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳамда бошқарув фаолияти самарадорлик даражалари таҳлил этилган.

⁹ Муаллиф ишланмаси

Ҳозирги кунда республикаимиз пиллачилик тармоғини самарали ривожлантириш натижасида ҳудудларда пилла хомашёсини 2017-2020 йилларда қуйидаги динамик кўрсаткичларга эришилган (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Республикаимиз ҳудудларида тайёрланган пилла хомашёсининг кўрсаткичлари, (тонна ва улушда)¹⁰

№	Ҳудудлар номи	2017 йил		2018 йил		2019 йил		2020 йил	
1	Қорақалпоғистон Республикаси	347	2,8	607	3,4	617	3,1	708	3,3
2	Андижон вилояти	2110	16,9	2452	13,6	2 743	14,0	2717	12,7
3	Бухоро вилояти	1855	14,9	1660	9,2	2 043	10,4	2200	10,3
4	Жиззах вилояти	400	3,2	596	3,3	592	3,0	765	3,6
5	Қашқадарё вилояти	1069	8,6	1813	10,1	1 987	10,1	2098	9,8
6	Навоий вилояти	654	5,2	801	4,5	879	4,5	890	4,2
7	Наманган вилояти	601	4,8	1498	8,3	1 508	7,7	1883	8,8
8	Самарқанд вилояти	1984	15,9	2241	12,5	2 650	13,5	2714	12,7
9	Сурхондарё вилояти	1131	9,1	1516	8,4	1 500	7,7	1680	7,9
10	Сирдарё вилояти	133	1,1	488	2,7	430	2,2	597	2,8
11	Тошкент вилояти	533	4,3	1167	6,5	1 140	5,8	1429	6,7
12	Фарғона вилояти	859	6,9	1655	9,2	1 837	9,4	1959	9,2
13	Хоразм вилояти	804	6,4	1506	8,4	1 674	8,5	1760	8,2
Ўзбекистон Республикаси		12480	%	18000	%	19600	%	21400	%

2017-2020 йиллар мобайнида республика вилоятларида тайёрланган хомашё турли ҳажмларда тайёрлаган. Хусусан, 2020 йилда ҳудудларда пилла хомашёсини тайёрлашда энг юқори кўрсаткич Андижон (12,7%), Самарқанд (12,7%), Бухоро (10,3%), Қашқадарё (9,8%), Фарғона (9,2%), Наманган (8,8%) ва Хоразм (8,2%) вилоятлари ҳиссасига тўғри келган. Бироқ, республикада пилла хомашёсини тайёрлаш бўйича энг паст кўрсаткич Сирдарё (2,8%), Навоий (4,2%), Жиззах (3,6 %) вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси (3,3%) ҳиссасига тўғри келган.

Муаллиф фикрича, мамлакатимизнинг барча вилоятларида пилла хомашёсини тайёрлашда бирдек юқори натижаларга эришиб бўлмайди. Чунки, вилоятларнинг мавжуд иқлим шароити, уларнинг географик жойлашуви ҳамда соҳанинг ривожланиш хусусиятларини инобатга олиниши зарур.

Республика ҳудудларида фаолият кўрсатаётган пиллани қайта ишлаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ҳажмини оширилиши муҳим аҳамиятга эгадир (2-жадвалга қаранг).

Республика ҳудудларидаги пиллани қайта ишлаш корхоналари томонидан хом ипак маҳсулотини ишлаб чиқариш бўйича энг юқори улуш Самарқанд, Андижон ва Фарғона вилоятлари ҳиссасига тўғри келади. Бироқ, Наманган вилоятида 2017 йилда 8,7%, 2018 йилда 3,5%, 2019 йилда 2,7%

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди

хамда 2020 йилда 4,7% пиллани қайта ишлаш корхоналарида хом ипакни ишлаб чиқарилган. Ушбу вилоятда хом ипак ишлаб чиқариш 2017 йилга нисбатан олинганда 2020 йилда камайганлигини кўриш мумкин.

2-жадвал

Республика ҳудудларидаги пиллани қайта ишлаш корхоналарида хом ипакни ишлаб чиқариш улуши (%)¹¹

№	Ҳудудлар номи	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил
1	Қорақалпоғистон Республикаси	0,8	1,4	1,2	1,7
2	Андижон вилояти	5,2	4,7	13,5	14,2
3	Бухоро вилояти	5,1	4,7	5,5	6,6
4	Жиззах вилояти	0,0	0,1	1,1	1,5
5	Қашқадарё вилояти	2,2	4,4	4,1	6,1
6	Навоий вилояти	0,0	1,5	2,3	2,3
7	Наманган вилояти	8,7	3,5	2,7	4,7
8	Самарқанд вилояти	29,2	69,1	54,3	55,0
9	Сирдарё вилояти	0,0	0,2	1,1	1,1
10	Сурхондарё вилояти	5,2	3,8	2,3	3,0
11	Тошкент вилояти	1,3	1,6	1,4	1,6
12	Фарғона вилояти	3,4	5,5	9,0	9,5
13	Хоразм вилояти	4,7	4,5	5,8	5,7
Ўзбекистон Республикаси		100	100	100	100

Муаллиф фикрича, мазкур ҳудудларда пиллани қайта ишлашга ихтисослашган корхоналарни модернизациялаш, инвестиция маблағларини кенг жорий этиш орқали янги ишлаб чиқариш қувватларини кенгаштириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни диверсификациялаш чора-тадбирларини жадаллаштириш зарур.

Диссертацияда Наманган вилоятида фаолият кўрсатаётган пиллани қайта ишлаш корхоналарининг бошқарув фаолияти самарадорлик даражалари қуйидаги сифат ва микдорий усуллардан фойдаланган ҳолда аниқланди. (3-жадвалга қаранг)

1.Бошқарув самарадорлик коэффиценти:

$$K_{\text{БС}} = \frac{\text{УСК}}{\text{БХ}} \quad (1)$$

бунда, УСК – умумий самарадорлик кўрсаткичлари, БХ- бошқарув харажатлари;

2.Бошқарув харажатлари коэффиценти:

$$K_{\text{БХ}} = \frac{\text{БХ}}{\text{КТХ}} \quad (2)$$

бунда, БХ- бошқарув харажатлари, КТХ – корхонанинг маҳсулот таннарни харажатлари.

3.Бошқарув ҳодимларининг самарадорлик коэффиценти:

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди

$$K_{\text{хс}} = \frac{\text{БХС}}{\text{УХС}} \quad (3)$$

бунда, БХС – бошқарув ходимлари сони, УХС- умумий ходимлар сони.

4.Ташкилий бошқарув тузилмалари самарадорлик коэффиценти.

$$K_{\text{ТБТ}} = \frac{\text{БС}}{\text{БХИ}} \quad (4)$$

бунда, БС-бошқарув самарадорлиги, БХИ- бошқарув ходимлар иш ҳақи.

3-жадвал

**Пиллани қайта ишлаш корхоналарини бошқарув фаолияти
самарадорлик даражалари таҳлили¹²**

Корхоналар/ йиллар	Кўрсаткичлар номи							
	Бошқарув самарадорлик коэффиценти, (K _{БС})		Бошқарув ҳаражатлари самарадорлик коэффиценти, (K _{БХ})		Бошқарув ходимлари самарадорлик коэффиценти, (K _{хс})		Ташкилий бошқарув тузилмаси самарадорлик коэффиценти, (K _{ТБТ})	
	2019й.	2020й.	2019й.	2020й.	2019й.	2020й.	2019й.	2020й.
«Verigrow ipagi» ХК	0,27	0,25	0,20	0,23	0,04	0,03	1,10	1,03
«Fabrictex» МЧЖ	0,73	0,71	0,05	0,07	0,02	0,02	0,41	0,39
«Marjon tola fayz» МЧЖ	1,36	1,36	0,03	0,04	0,07	0,05	0,10	0,09
«Golden silk» ВШК	0,33	0,36	0,15	0,16	0,02	0,02	1,07	1,05
«Zilol silk» МЧЖ	1,06	1,07	0,04	0,04	0,03	0,03	0,35	0,33
«Raw silk» МЧЖ	0,54	0,52	0,06	0,08	0,03	0,02	0,27	0,25

Таҳлилларга кўра, 2019-2020 йилларда «Verigrow ipagi» хорижий корхонасининг бошқарув самарадорлиги 0,27-0,25 коэффицентга, «Fabrictex» 0,73-0,71 коэффицентга, «Raw silk» 0,54-0,52 коэффицентга камайган. Бунга асосий сабаб бўлиб, 2020 йилда корхоналарнинг 2019 йилда нисбатан бошқарув ҳаражатлари ортганлигидир. Шунингдек, 2019-2020 йилларда «Marjon tola fayz», «Raw silk» ва «Zilol silk» корхоналарида бошқарув ҳаражатлари деярли юқори эмаслиги билан изоҳланади. Бироқ, барча корхоналарнинг бошқарув ходимларини самарадорлиги жуда паст даражада бўлиб, ушбу пиллани қайта ишлаш корхоналарида бошқарув ходимларини кўнимсизлигини кўрсатган. Бу эса ўз навбатида корхоналарнинг ташкилий бошқарув тузилмалари таркибидаги бўлимларнинг фаолиятига боғлиқдир. Жумладан, 2019-2020 йилларда корхоналарни ташкилий бошқарув тузилмасининг самарадорлик даражалари «Verigrow ipagi» хорижий корхонасида 1,10-1,03 коэффицентга, «Fabrictex» 0,41-0,39 коэффицентга ва «Marjon tola fayz» 0,10-0,9 коэффицентга,

¹² «Verigrow ipagi» ХК, «Golden silk» ВШК, «Fabrictex», «Marjon tola fayz», «Raw silk» ва «Zilol silk» МЧЖ лари маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китолари натижалари.

«Golden silk» 1,07-1,05 коэффициентга, «Zilol silk» 0,35-0,33 коэффициентга ҳамда «Raw silk» 0,27-0,25 коэффициентга тўғри келган.

Тадқиқот ишида корхоналарнинг бошқарув фаолияти самарадорлик даражалари «самарасиз» (0-0,21), «паст» (0,22-0,50), «ўртача» (0,51-0,70), «барқарор» (0,71-0,89) «юқори» (0,90–1,5) кўрсаткичлари ёрдамида баҳоланди. Натижада эса, «Zilol silk» ҳамда «Marjon tola fayz» корхоналарини бошқарув самарадорлиги «юқори» даражага, «Fabrictex» корхонасини «барқарор» даражага, «Raw silk» ва «Golden silk» корхоналарини «ўрта» даражага киритилди. Бироқ, «Verigrov Ipagi» хорижий корхонасининг бошқарув самарадорлиги эса «паст» даражага мансуб эканлигини кўрсатди.

Муаллиф фикрича, бошқарув самарадорлик даражалари паст бўлган корхоналарни фаолиятидаги заиф томонларини аниқлаш, бошқарув харажатларини камайтириш, ҳодимлар кўнимсизлигини олдини олиш, бошқарув тузилмаларини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиши лозим.

Диссертациянинг учинчи боби **«Пиллани қайта ишлаш корхоналарида бошқариш механизмини такомиллаштириш ва унинг истиқболлари»** деб номланган бўлиб, ушбу бобда, пиллани қайта ишлаш корхоналарини бошқариш механизмини такомиллаштириш, уни самарали бошқаришда кластер усулидан фойдаланиш имкониятлари ҳамда корхоналар фаолиятини ривожлантириш истиқболлари бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Диссертацияда Наманган вилоятидаги пиллани қайта ишлаш корхоналари фаолиятини комплекс баҳолашда қатор кўрсаткичлар тизими таклиф этилди. Мазкур кўрсаткичлар эксперт баҳолаш усулидан фойдаланган ҳолда бешта гуруҳга ажратилди. Хусусан, таъсир этувчи омиллар сифатида ишлаб чиқариш, иқтисодий, маркетинг ва инновацион кўрсаткичлари танлаб олинди. Ҳар бир кўрсаткичлар таъсир даражасига кўра 1-10 балл оралиғида баҳоланади. Натижада, ушбу кўрсаткичлар (0-54) - «қониқарсиз», (55-70) - «қониқарли», (71-85)-«яхши» ва (0,86-1)–«аъло» шкалалари бўйича тақсимланади.

Таҳлилларга кўра, «Fabrictex», «Marjon tola fayz», «Zilol silk» ва «Raw silk» МЧЖ лар 71-85 оралиғидаги балларга эга бўлиб, уларнинг фаолиятини «яхши» гуруҳига, «Golden silk» ВШК эса 61 балл билан «қониқарли» гуруҳига киритилди. Аммо, «Verigrov Ipagi» хорижий корхонаси 54 балл тўплаганлиги боис, ушбу корхона фаолияти «қониқарсиз» гуруҳга мансубдир.


Муаллиф фикрича, келгусида «Verigrov Ipagi» хорижий корхонасида белгиланган кўрсаткичлар бўйича натижаларни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқишни талаб этади.

**Пиллани қайта ишлаш корхоналари фаолиятини комплекс баҳолаш
тизими¹³**

№	Кўрсатгичлар номи	Корхоналар номи					
		Verig rov Ipagi ХК	Fabric tex МЧЖ	Marjon tola fayz МЧЖ	Golden silk ВШК	Zilol silk МЧЖ	Raw silk МЧЖ
Ишлаб чиқариш кўрсаткичлари (максимал балл 10)							
1.	Корхоналарни рентабеллик даражаси	2	5	5	3	5	5
2.	Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш	2	4	5	3	4	3
3.	Меҳнат унумдорлиги	2	3	3	3	2	3
4.	Мустақиллик даражаси	2	4	4	2	4	4
5.	Ўз маблағлари билан таъминланганлик даражаси	3	6	5	2	1	1
6.	Илғор техника дастгоҳларни ўзлаштириш	2	7	6	4	5	4
Иқтисодий фаолият кўрсаткичлари (максимал балл 10)							
7.	«Ягона дарча» ва давлат интерактив хизматларидан фойдаланиш ҳолати	4	3	2	4	2	2
8.	Имтиёзли кредитлардан фойдаланиш	2	5	4	2	6	5
9.	Хорижий инвестицияларни жалб этиш	3	2	2	3	4	5
10.	Коммунал хизматлардан фойдаланиш	3	6	6	5	7	6
11.	Солиқ имтиёзларидан фойдаланиш ҳолати	5	3	3	5	4	4
12.	Таълим хизматларидан фойдаланиш	1	1	1	2	1	1
13.	Траспорт хизматларидан фойдаланиш	3	5	5	2	5	5
14.	Янги кадрларга бўлган талаб даражаси	4	6	7	3	5	6
Маркетинг кўрсаткичлари (максимал балл 10)							
15.	Рақобатбардошлик даражаси	2	4	5	2	4	5
16.	Маҳсулот сифати ҳолати	3	4	5	3	3	4
17.	Маркетинг стратегияларидан фойданиш	1	1	1	2	1	1
18.	Истеъмолчиларни талабини ўрганиш	2	1	2	3	3	2
19.	Бозор ахборотларидан фойдаланиш	2	2	3	2	4	4
20.	Маҳсулотни сотишда ОАВ, интернет ва онлайн савдолардан фойдаланиш	1	3	3	2	3	2
Инновацион кўрсатгичлари (максимал баҳолаш балл -5)							
21.	Инновацион лойиҳалар билан шуғулланувчи бўлим мавжудлиги	0	0	0	0	0	0
22.	Малака ошириш ва хорижий стажировкаларни мавжудлиги	1	0	0	1	0	0
23.	Маҳсулот ассортиментини кенгайтириш	1	0	0	2	0	0
24.	Инновациялар ва илмий лойиҳаларни жорий қилиш даражаси	1	0	0	1	0	0
25.	Рақамли технологиялардан фойдаланиш	1	1	2	2	1	2
	Жами	54	75	78	61	73	74

¹³ Муаллиф ишланмаси

Диссертацияда «Verigrow ipagi» хорижий корхонаси фаолиятида «Experimentation and Adaptation Programme (EAP)» дастурига асосланган рақамли ахборотлар базаси қўллаш асосида бошқариш механизмини такомиллаштириш бўйича таклифи берилди. (3-расмга қаранг)



3-расм. «Verigrow ipagi» хорижий корхонаси фаолиятида «Experimentation and Adaptation Programme» дастурига асосланган рақамли ахборотлар базаси қўллаш асосида бошқариш механизми такомиллаштириш¹⁴

¹⁴ Муаллиф ишланмаси


Ушбу механизмда «Experimentation and Adaptation Programme (EAP)» дастури орқали «Verigrow ipagi» хорижий корхонасини турли иқтисодий ўзгаришларга мослашуви ўрганилиб, корхона фаолиятидаги аниқланган турли иқтисодий масалалар рақамли ахборотлар базасида тизимлаштирилади. Маҳаллий ҳокимият органлари, «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси, ҳудудий агропилла бошқармаси, илмий-тадқиқот институтлари томонидан тизимдаги тўпланган маълумотларни таҳлил этиш, корхона фаолиятида қўллаш мумкин бўлган менежмент усул ва воситалари, илмий ёндашувлар, чора - дастурлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш имкониятлари яратилади. Бу эса, «Verigrow ipagi» хорижий корхонасида бошқарув тизими, ишлаб чиқариш, иқтисодий, маркетинг ва инновацион каби фаолиятларини ривожлантиришга туртки бўлади.

Диссертация ишида пиллани қайта ишлаш корхоналари бошқаруви тизимига «Ҳудудий кластер менежменти» бўлимини ташкил этиш таклиф этилди (4-расмга қаранг).

